КАДИМИЙ НОЁБ КИТОБЛАР

ТОШКЕНТ. Темурийлар тарихи давлат музейида Ҳиндистоннинг Рампур Раза кутубхонасида сақланаётган нодир китобларнинг фотонусхалари кўргазмаси очилди. Араб, турк ва форс тилларидаги бу қўлёзмалар Амир Темур ва темурийлар, шунингдек ундан аввалги ва кейинги даврларга мансубдир. Ҳиндистондаги кутубхона соҳиби — ватандошларимиз авлодларидан бўлмиш Наваб Козим Алихон ҳиммат кўрсатиб, кўргазмани шаҳримизга олиб келди.

Ўткур АЛИМОВ.

ЎҚУВЧИЛАРГА СТИПЕНДИЯ

НУКУС. Ўтган йили Элликқалъа туманида 22 нафар ўқувчи 100 сўмдан ҳокимлик стипендиясини олиб ўқиди. Икки ўқувчи республика олимпиадаси, яна шунчаси республика слёти, 18 ўқувчи эса иқтидорли ёшлар кўрик-танлови ғолиби бўлдилар. Бу йил ҳам ўқувчиларга стипендиялар бериш давом эттирилади. Шу билан бирга туман ёшлари "Камолот" ва "ЭКОСАН" жамғармалари биргалашиб янги ўқув йилида 10 нафар ўқувчига 500 сўмдан стипендия беришга қарор қилдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ЙИЛФОЙИҚУН

ВОҚЕЛАР, ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

БИЛЛУР ГУЛДОНЛАР

БУХОРО. Ғиждувондаги "Олтин бошоқ-2" ҳиссадорлик жамиятида яроқсиз шишалардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мўъжазгина цехда бундай хом ашё қайта ишланяпти. Самараси чакки эмас. Биллур гулдонлар, рўзғорбоп ҳар хил идишлар уй бекаларига маъқул келмоқда. Маҳсулот эса жамиятнинг ўз дўконларида сотиляпти.

Даврон БАҲРОНОВ.

КИМ ОШДИДА-ЭКСКАВАТОР

ҚАШҚАДАРЁ. Кўчмас мулк бозорларида уй-жой, ер майдони, кичик корхонаю-дўконлар, транспорт воситалари ким ошди савдосига қўйилади. Республика кўчмас мулк биржасининг вилоят шўъбаси Қамаши туманида ким ошди савдосини ташкил этди. Дастлабки баҳоси 450 минг сўм бўлган 14 та объект 675 минг сўмга сотилди. Баҳоси 105 минг сўмлик "ЮЗМ" русумли экскаватор янги хўжайинга 150 минг сўмга тушди.

Юнус УЗОҚОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 11 сентябрь, пайшанба № 107 (22.191).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЧАККАНГИЗДА ДУР ОЧИЛСИН

Меҳнатободлик Гулчеҳра Умарова чаккасига оппоқ очилган пахта чаноғини тақиб, қўлида яхши хабар битилган нома билан вилоят ҳокимлиги биносига кириб келди. Опа тақкан чаноқнинг «оғирлиги» нақ 44 тонна эди. Бу ғалаба чаноғи!

— Оғирлик қилмаяптими? — сўраймиз деҳқон аёлдан.

— Ҳеч ҳам-да! — Ғалаба чаноғи ҳеч қачон оғирлик қилмайди! — дейди ғурур билан «Шаҳло» деҳқон хўжалигининг онахони. — Ҳали буни 50 тоннадан оширамиз.

Қани эди вилоятдаги ҳар бир деҳқоннинг чаккасида ана шундай зафар чаноқлари порлаб турса!

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЕННИС БАЙРАМИ БОШЛАНДИ





СУРАТЛАРДА: турнирнинг очилиш маросими.

А. ТЎРАЕВ ва А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕННИС БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КУБОГИ УЧУН ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТЎРТИНЧИ ХАЛҚАРО МУСОБАҚАНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Хонимлар ва жаноблар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Азиз дўстлар!

Бугун бу ерда теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун ўтказилаётган мусобақанинг барча иштирокчилари ва ташкилотчиларини табриклаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун мусобақа ўтказила бошлаганига, айтиш мумкинки, катта теннис тараққиётининг янгича ривож топа бошлаганидан бери атиги тўрт йил ўтди.

Мана шундай қисқа муддат ичида спортнинг бу жозибали ва гўзал тури Ўзбекистон аҳолиси, энг аввало ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида энг оммавий ва севимли машғулотлардан бирига айланиб қолди.

Тошкент эса, ҳақиқатан ҳам, жаҳондаги теннис яхши ривожланган, спортчилар ва катта теннис мухлисларининг диққатини тортадиган нуфузли халқаро мусобақалар ўтказилиб туриладиган марказлардан бирига айланди.

Мазкур мусобақа бунинг яққол исботидир.

Менинг мазкур мусобақа ташкилотчилари — энг аввало, қадрдонимиз, синалган дўстимиз, мана шундай мусобақаларни уюштириш борасида ниҳоятда кўп ҳизмати сингган жаноб Сассон Какшурига чуқур миннатдорлик билдиришимга ижозат бергайсизлар.

Мен, шунингдек, Президент кубоги учун ўтказилаётган мусобақа директори жаноб Ян Форман ҳамда мусобақанинг бош ҳаками жаноб Дани Галини ҳам муборакбод этаман.

Мен турли мамлакат ва минтақалардан диёримизга ташриф буюрган барча мусобақа иштирокчиларига миннатдорлик изҳор этаман. Мусобақа иштирокчилари орасида ўзларининг ажойиб ғалабалари билан спортнинг бу гўзал тури — теннисда жаҳонга донғи кетган атоқли спортчиларни муборакбод этишдан мамнунман. Россиялик Евгений Кафельниковни, Буюк британиялик Тим Хенменни, швейцариялик Марк Россени, испаниялик Хавьер Санчесни, марокашлик Хисом Оразийни, германиялик Николас Тиферни, АҚШлик Винсент Спадени муборакбод этаман. Шунингдек, ўзларининг чиройли ва мазмунли ўйинлари билан бизни, шубҳасиз, хурсанд этадиган барча номдор мусобақа иштирокчиларини қутлаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Ўзбекистон Президенти кубоги мусобақасига бу даражада юқори мақом бериб, унга янада ўзгача жозиба ва нуфуз бахш этгани учун профессионал теннисчилар уюшмасига (Ай-Ти-Пи) самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Барча тошкентликлар ва Ўзбекистон аҳолиси номидан мана шундай ажойиб теннис саройини бунёд этган меъморлар, қурувчилар ҳамда бундай гўзал иншоотни бунёд этишда фидокорона меҳнати сингган ҳар бир кишига миннатдорлик изҳор этаман. Бу сарой спортчилар ҳамда миллионлаб спорт мухлисларига жуда кўп хурсандлик ва мамнуният бахш этишига шубҳа йўқ.

Барчангизни мазкур ажойиб спорт байрами билан табриклайман.

Сизларни бугун чеҳрангизда балқ уриб турган мамнуният, хурсандлик туйғуси ҳеч қачон тарк этмасин!

Барчангизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилайман, азиз дўстлар!

Энди эса мана шу залда ҳозир бўлганлардан мусобақанинг барча иштирокчиларини тик туриб қутлаш ҳамда уларга сиҳат-саломатлик ва мусобақада муваффақият тилашни илтимос қилган бўлардим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун тўртинчи марта ўтказилаётган мусобақани очиқ деб эълон қиламан!

Мустақил Ўзбекистонда нафақат иқтисодиёт, балки маданият, санъат ва спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Диёримизда қарор топган тинчлик, осойишталик бунинг асосий омили бўлаётир. Куни кеча катта муваффақият билан ўтган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали қатнашчилари билан хайрлашган бўлсак, бугун энг оммавий спорт турларидан бири — теннис юлдузлари — «Президент кубоги» анъанавий турнири қатнашчиларини муборакбод этиб турибмиз.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан бошланган мазкур турнирнинг спорт оламидаги нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётир. Бу галги мусобақада машҳур Уимблдон турнири, АҚШ, Австралия, Франция очиқ чемпионатлари чорак финалида иштирок этган теннисчиларнинг қатнашуви бунинг ёрқин исботидир.

9 сентябрь куни Тошкентдаги «Юнусобод» теннис мажмуида қуриб битказилган янги муҳташам теннис саройи жамоатчилик вакиллари, Тошкентда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, спорт мухлислари, меҳмонлар билан тўлди. Бу ерда тўртинчи бор ўтказилаётган «Президент кубоги» турнирининг тантанали очилиш маросими бўлди.

... Майдонга Ўзбекистон теннисининг келажаги — жажжи кичкинтойлар кириб келади. Улар минглаб томошабинларнинг олқишлари остида теннис сирларини эгаллаб бораётганликларини намойиш этадилар. Сўнгра мусобақа қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг байроқлари олиб кирилади.

Тантанали маросим қатнашчилари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни олқишлар билан кутиб оладилар.

Маросимни халқаро теннис мусобақалари ташкилотчиси Сассон Какшури очди. У теннисни ривожлантириш ва оммалаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун Президент Ислом Каримовга, республика ҳукуматига ва мазкур мусобақа ташкилотчиларига миннатдорлик изҳор этди. Томошабинларни турнир дунё миқёсида юксак мавқега эга бўлаётгани билан қутлади. Мусобақалар дўстлик ва кескин спорт курашлари остида ўтади деб ишонч билдирди.

Турнирни расман очиш учун Президент Ислом Каримовга сўз берилади. Давлатимиз раҳбари анъанавий турнир қатнашчилари, ташкилотчилари ва меҳмонларини нуфузли спорт байрами билан қутлаб, мусобақа иштирокчиларига муваффақиятлар тилади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда спортни, хусусан, теннисни ривожлантиришга катта ғамхўрлик қилинмоқда. Шунинг натижаси ўлароқ мамлакатимизда бу борада талайгина ибратли ишлар амалга оширилди. Пойтахтимиз Тошкентда, барча вилоят марказларида, кўплаб шаҳар ва қишлоқларда теннис кортлари бунёд қилинди. Бу ишлар изчил давом этмоқда. «Ҳавас», «Ибрат» каби турнирлар мунтазам ўтказилаётир. Теннис минглаб ҳамюртларимизнинг севимли машғулотига айланмоқда. Қолаверса, спорт — мамлакат иқтисодий, маданий ҳаётининг кўзгусидир. Бинобарин, бу соҳадаги хайрли ишлар ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрўйига обру қўшмоқда.

«Президент кубоги» турнири очиқ деб эълон қилинади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграб, ватанимиз байроғи кўтарилади.

Шундан кейин франциялик Тьери Чемпион билан Буюк Британия вакили Тим Хенмен майдонга тушади. Қизғин спорт беллашуви бошланади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур турнирни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлиси Раисининг, Бош вазирнинг ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

МАЪНАВИЯТ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Инсонларда юксак маънавий фазилатлар ва миллий ғурурни шакллантириш, ёшларни маданий меросимиз, тарихий анъаналаримиз, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди. Президент Ислом Каримовнинг 1996 йил 9 сентябрда эълон қилинган «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонида бу борадаги энг муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаоллари йиғилишида ана шу ҳақда гап борди. Марказ раҳбари Неъмат Аминов йиғилишда сўзга чиқиб, мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар даврида маънавият ва маърифатни юксалтириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу борада марказ олдида турган долзарб вазифаларга батафсил тўхталди. Анжуманда фуқаролар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, миллий маънавият назарияси, маънавиятимизнинг қадимий қадриятлари, мактабда маънавият сабоқлари каби мавзуларда фикр алмашилди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов сўзга чиқди.

(ЎзА).

ЯНГИ УЮШМА ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаётида тарихий ўзгаришлар рўй бермоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижалари ҳар қадамда кўзга ташланаётир. Халқимизнинг фидокорона меҳнати натижаси ўлароқ қўлга киритилаётган ана шу ютуқларни кенг жамоатчиликка етказиш зарур.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10 сентябрь куни ана шу ишларни амалга ошириш мақсадида тувилаётган «Тасвирий ойина» республика ижодий уюшмасининг таъсис йиғилиши бўлди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, идора, ташкилот, уюшма ва жамғармалар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни республика Давлат матбуот қўмитасининг Раиси Р. Шоғуломов бошқарди.

Мажлисда таъкидландики, Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, матбуотни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди, Маданият ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа уюшма, ташкилот ва компаниялар муассиси бўлган мазкур ҳукуматга қарашли бўлмаган «Тасвирий ойина» ижодий уюшма мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни тасвир, плакатлар, фотокўргазмалар воситасида кенг халқ оммасига етказиши даркор. Бунда мамлакатимиздаги ижодий кучлардан самарали фойдаланиш, уларнинг фаолиятини муофиқлаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади. «Тасвирий ойина» материаллари ватанимизнинг бугунги ҳаётини, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш жараёнини акс эттирмоғи лозим. Кўча ва хиёбонларда, аҳоли гавжум ерларда жойлаштириладиган суратли кўргазмалар, плакатлар, шиорлар ҳамюртларимизни истиқлол ғояларига садоқат, ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши керак. Айни чоғда юртимиз меҳмонларига мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар ҳақида маълумот, тасаввур бермоғи лозим.

Мажлис қатнашчилари ана шу ишларни амалга ошириш йўллари, услублари хусусида батафсил фикр алмашдилар.

Йиғилишда мазкур уюшманинг низоми қабул қилинди. Унинг жамоатчилик кенгаши, бошқаруви тузилди. Исфандиёр Латипов «Тасвирий ойина» республика ижодий уюшмаси бошқарувининг раиси этиб сайланди.

(ЎзА).

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт ўзининг Яқин Шарқ бўйлаб сафари давомида Исроил Президенти, Бош вазири ва ташқи ишлар вазири билан учрашиб, музокаралар олиб боради. Ўтган пайшанба куни Қуддус шаҳридаги портлаш натижасида азият чеккан ярадорлар жойлашган шифохонани кўздан кечиради.

* * *

☑ Бельгия пойтахти Брюссель шаҳрига Альбания Бош вазири Фатос Нано ташриф буюрди. У НАТО қароргоҳида ўз мамлакатининг режасига асосан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» доирасидаги дастурга имзо чекади.

* * *

☑ Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида МДҲ мамлакатлари ички ишлар вазирларининг кенгаши очилди.

* * *

☑ Австрия канцлери ўринбосари, федерал ташқи ишлар вазири Вольфганг Шюссель кеча расмий ташриф билан Киевга келди. У сафар давомида Украина Президенти Леонид Кучма, парламентнинг спикер ўринбосари Виктор Мусияко ва Бош вазир Валерий Пустовойтенко ҳамда ташқи ишлар вазири Геннадий Удовенко билан учрашади.

* * *

☑ Рига қўлтиғида саккиз кунлик «Опен спирит-97» денгиз машқлари бошланди. НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги бу машқларда етти мамлакат—Латвия, Литва, Эстония, Польша, Дания, Швеция ва Германиянинг ҳарбий-денгиз кучлари иштирок этишмоқда. Иккинчи жаҳон урушида портламай қолган миналарни қидириб топиш ҳам режалаштирилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг: «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобига бағишланган кўргазмали альбом босмадан чиқди. Катта ҳажмдаги рангли альбом ўзбек, инглиз ва рус тилларида тайёрланган.

Альбом мустақил Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг муҳим йўналишлари ҳақида маълумот берувчи катта қуламдаги ахборотлар, рангли фотосуратлар, халқ хўжалигидаги ўсиш суратлари акс этган жадваллар билан бойитилган. У ўқувчи ёшлар, илм аҳли , шунингдек янги Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи барча китобхонлар учун энг яхши манбадир.

Альбом ўн қисмдан иборат. Ҳар бир бўлим мамлакат ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳаларига, барқарорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузли ўрни каби масалалар ҳақиладир.

Республиканинг ижтимоий-сиёсий тизими тўғрисида ҳикоя қилувчи мавзулар туркуми мамлакат Президенти мустақиллик, хавфсизлик, демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги кафолати эканлигига бағишланган бўлим билан бошланади. Материаллар ва фотосуратлар ўқувчини Президент Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг таржимаи ҳоли, унинг давлат раҳбари сифатидаги кенг қуламли фаолиятининг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган Президентлик ваколатлари ҳақида маълумот беради. Юртбошимизнинг раҳбарнинг халқ олдидаги масъулияти ҳақидаги сўзлари, хорижий арбобларнинг эътирофлари келтирилади.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун, ҳар бир ватанпарвар учун мустақиллик энг олий қадриятдир — иккинчи бўлимнинг мавзуси шундай. Бу ердаги материаллар мустақиллик халқимизга, ҳар бир фуқарога нима инъом этгани, истиқлол шарофати билан эришган бугунги кундаги ютуқларимиз, истиқболимиз истиқболи ҳақида ҳикоя қилади.

Ўзбекистоннинг бой ва ноёб табиий ва меҳнат, ишлаб чиқариш ва интеллектуал заҳиралари, имкониятлари ҳақидаги кейинги бўлим материаллари билан ушбу мавзу янада мустаҳкамланади. Бу имкониятлар мамлакатимизга нафақат ички эҳтиёжларни қондириш, балки дунё хўжалик муносабатларида ҳам нуфузли ўринни эгаллаш ҳамда дунё ҳамжамиятига чиқиш учун асос бўлади. Жаҳоннинг барқарор ривожланаётган, гуллаб-яшнаётган давлатларидан бирига айланганидан далолат беради. Бу ҳақда фойдали қазилмалар харитаси, саҳифалардан ўрин олган жадваллар ва диограммаларда тўлиқ маълумот берилган.

«Кўпқилдли иқтисодиёт ва бозор муносабатлари» мавзуига бағишланган катта бир бўлимда бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили, ўтказилаётган ислоҳотларнинг ривожи, ишлаб чиқаришда эришилган барқарорлик ва ўсиш суръатлари кўргазмали фотосуратларда акс эттирилган.

Маънавият, маданият, таълим мамлакат ижтимоий тараққиётининг бугунги кундаги етакчи йўналишлари экани, тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик — мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги энг муҳим жиҳатлар эканлиги альбомда чиройли шакл ва гўзал мазмунда ифода этилади.

Альбом билан бирга республикада 1991—97 йилларда амалга оширилган ўзгаришларга бағишланган «Асрларга тенг йиллар» дея номланган ўзбек ва рус тилларида плакатлар ҳам чоп этилди.

Содиқ СУЛТОН.

КОТИБЛАР ЎҚИШИ ЯКУНЛАНДИ

Ўтган ҳафта охирида Нукусда Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг қарори билан ташкил этилган минтақавий семинар-кенгашларнинг сўнггиси бўлиб ўтди. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котиблари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов «Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислоҳотларни чуқурлаштиришда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг навбатдаги вазифалари ҳақида» маъруза қилди.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, Хоразм вилоят, Элликқалъа, Хева, Боғот туманлари кенгашларининг биринчи котиблари А. Асанов, Ғ. Машарипов, Х. Ибодуллаев, З. Матназаров, К. Қурбоновлар маҳаллий партия ташкилотларининг кўп қиррали фаолияти, тўпланган иш тажрибаси тўғрисида йиғилганларга сўзлаб бердилар. Семинар жараёнида, Ўзбекистон ХДП кенгашлари ва матбуот нашрлари фаолиятига доир фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Партия ахбороти

Семинар-кенгаш иштирокчилари Қорақалпоғистон Республика нефть маҳсулотлари корхонаси, Тахиатошдаги «Қорақалпоғистон ун» ҳиссадорлик жамияти, Хўжайли тумани «Найман» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси, шунингдек, Беруний ва Элликқалъа туманларидаги қатор корхона ҳамда хўжаликлар бошланғич партия ташкилотларининг иши билан танишдилар, Қорақалпоғистон ўлкашунослик ва И. Савицкий номидаги санъат музейларига ташриф буюрдилар.

Семинарда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Темур Камолов сўзга чиқди.

Семинар ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Ҳ. Авезов қатнашди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Мамлакатимиз далаларида дон экиладиган майдонлар ҳажми кенгайиши натижасида етиштирилаётган ҳосил ҳажми йилдан-йилга ортмоқда. Бу ўз-ўзидан етиштирилаётган маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш учун қўшимча куч талаб қилади. Бугун биз етиштирилган ҳосилни, яъни дон маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган Пастдарғом туманидаги «Жума элеватори» ҳиссадорлик жамиятида бу борадаги ишлар қандай бораётгани ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Исокул Мустафоев — айни пайтда жамият директори. У корхона ҳақида шундай дейди:

— Ҳиссадорлик жамияти минглаб тонна донни сақлашга мўлжалланган. Бу жамият Пастдарғом, Оқдарё туманларида етиштирилган дон маҳсулотларини қабул қилади ва уларни турларга ажратиб сақлайди. Шунингдек, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан гуруч маҳсулотларини қабул қиламиз. Қабул қилинган ғаллани тозалаб, республика бўйича ун ишлаб чиқариш корхоналарига тарқатамиз. Бу муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган масъулиятли вазифадир. Дон маҳсулотларини сақлаш, унинг сифатини яхши тутиб туриш учун галла ҳарорати ҳар куни кузатиб борилади. Ҳиссадорлик жамияти ғалла маҳсулотларини давлат андозалари бўйича белгиланган нархларда қабул қилади. Ўз навбатида дон маҳсулотлари шартнома асосида тўрдош корхоналарга йил давомида тарқатиб борилади. Жамият вазифасига Пастдарғом, Тайлоқ, Самарқанд, Оқдарё, Ғузалкент туманлари хўжаликларини сифатли уруғлик дони билан таъминлаш ҳам киради. Шунинг учун ҳиссадорлик жамиятимиз Андижон вилоятидан 4096 тонна «Скифянка», «Юна» уруғлик буғдой навини шартнома асосида сотиб олди ва 1998 йил ҳосили учун Пастдарғом, Оқдарё туманлари хўжаликларига келтирилди. Бундан кўзда тутилаётган асосий мақсад ғалладан мўл ҳосил етиштириш ва сифатсиз уруғлик навларидан воз кечишдир. Сифатсиз уруғлик эккан хўжаликлар топширган донни турларга ажратиш, уни тозалаш ва сақлаш катта қийинчиликлар келтириб чиқариши бизга аён. Айрим хўжаликларнинг мутахассис-раҳбарлари бунга бефарқ қараб, икки-уч хил уруғни аралаштириб экиб юборишмоқда. Бу эса ҳосилга ва уни сақлашга салбий таъсир этади.

Оқдарё туманида бу йил буғдойнинг «Истиқбол» навидан юқори ҳосил олинди. Пастдарғом ва Оқдарё тумани ғаллакорлари ушбу навни экиш учун қизғин ишларни бошлаб юборишди.

— Ҳиссадорлик жамиятимиз қабул қиладиган дон маҳсулотлари учун қишлоқ хўжалик ташкилотларига аванс пулларини ўз вақтида тўлаб бормоқда, — дейди ҳиссадорлик жамияти бош ҳисобчиси Жонузоқ Тожиев. — Бу борада бизга республика ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат банки — «Ғаллабанк» Самарқанд вилоят бўлими бошқаруви раиси Мамашариф Ҳасановнинг ёрдами жуда катта бўлмоқда. Бундан ташқари ишчи-хизматчиларимизга ойлик маошлари кечиктирилмасдан бериб борилмоқда. Бу йил дон маҳсулотларини қабул қилиш олдидан ҳисобчилар, лаборатория ходимларининг барчаси вилоят дон маҳсулотлари бирлашмаси қошида ташкил этилган ўн кунлик малака ошириш курсида ўқиб махсус гувоҳнома олишди. Албатта, бу ғаллани жаҳон андозалари сифати билан қабул қилиб олишга катта ёрдам беради. «Жума элеватори» ҳиссадорлик жамиятига жорий йилда Оқдарё ва Пастдарғом тумани ғаллакорлари дон маҳсулотлари топширдилар. Пастдарғом туманидаги Навоий, Мирза Дангалов, Дўстлик номли давлат ва жамоа хўжаликлари белгиланган режани муддатидан аввал уддалашди. Оқдарё тумани бўйича «Қаҳрамон», «Гулистон», «Ўзбекистон», «Янгиқўрғон» жамоа хўжаликлари ғалла топшириш бўйича давлат буюртмаларини бажариб, мажбурият ҳисобига бир неча минг тонна қўшимча дон топширишди. Ҳозирга қадар 5 минг тоннадан зиёдроқ сифатли маҳсулот Оқдарё ғалла қабул қилиш масканидан турдош корхоналарга жўнатилди.

Истиқлол ва масъулият

Ўктам Алланазаров — жамият бош муҳандиси.

— Элеваторимиз вилоятда катта ҳажмдаги ғалла маҳсулотларини сақлаётганлиги туфайли 1995 йилда турдош корхоналар билан ҳамкорликда ҳашар йўли билан тегирмон қурилишини бошлаган эдик, — дея гап бошлайди у. — Бу тегирмон бир кеча-кундузда 50 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Ҳозирги кунда қурилиш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Қурилишнинг тезкорлигини амалга оширишда 162-механизациялашган кўчма корхона ишчилари ва унинг раҳбари Маҳмуд Каримовнинг хизматлари таҳсинга сазовордир. Барча дон сақлайдиган омборлар замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, ёнгинга қарши кимёвий ашёлар билан тўлиқ таъминланган. Корхонамиз қабул қилинаётган дон маҳсулотларини қуритиш-тозалаш ишларини бажарадиган замонавий техникалар билан жиҳозланмоқда. Ҳар куни элеватор омборларида сақланаётган ғалла донларининг намлиги, ҳарорати мутахассислар томондан назорат қилиб борилади. Буғдойнинг асосий зараркунандаси бўлмиш митага қарши кимёвий кураш чораларини ходимларимиз ўз вақтида амалга оширадилар. Ун сифати сақланган донга нечоғлиқ боғлиқлиги уларнинг назаридан бир дақиқа бўлса ҳам четда қолмайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш борасида Пастдарғом ва Оқдарё туманлари давлат сифат инспекцияларининг хизматлари катта бўлмоқда.

— Қабул қилинаётган дон маҳсулотларини синфларга ажратишга ходимларимиз катта аҳамият беради, — дейди ҳиссадорлик жамияти бош лаборанти Сабо Зиёдова. — Икки килограмм ғалла анализ андозаси бўйича қуйидагича бўлади: табиий оғирлиги 750 грамм бўлса ўртача, 810 граммни кўрсатса яхши ҳисобланади. Унинг асосий сифати таркибидаги клоковина миқдорига боғлиқдир. 5-синф учун клоковина миқдори 17 фоизгача, тўртинчи синф учун 18—22 фоизгача, 3-синф учун 27 фоизгача, иккинчи синф учун 32 фоизгача, биринчи синф учун эса 32—36 фоиз, 37 дан 40 фоиз андозадаги кўрсаткич олий нав ҳисобланади. Лаборатория ходимлари Мамасулув Мингбоева, Ашур Бобоёровлар маҳсулот сертификат сифати учун жавобгардирлар.

Мамлакатимизда ғалла мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида улкан ишлар қилинмоқда. Республикамизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мезони иқтисодий тараққиётимизга сўрғат бахш этишдан иборатдир. Бу «Жума элеватори» ҳиссадорлик жамияти ходимлари Шерали Тожиев, Сулаймон Аҳмедов, Боли Бўронов, Оқдарё тумани ғалла қабул қилиш маскани бошлиги Нодир Қаршиев хизматларидан кўриниб турибди.

Ўткир ПЎЛАТОВ,
журналист.

ЮЗ МИНГ КИШИГА ТАТИГАН ҚУВОНЧ

Қўшработ азалдан чўпон-чўлиқлар ўлкаси сифатида донг таратган юрт. Унинг кенг яйловлари, тоғ ён бағирлари-ю қир-адирларида юз минглаб қўй-қўзилар боқилади. Кейинги йилларда туман заминидан олтин конларининг топилиши унинг довруғини янада оширди. Машҳур бахши Эргаш Жуманбулбул юртининг шуҳратини оширган бошқа бойлик ҳам бор: бу унинг зиёлилари, илм-фан аҳлларидир. Тумандан етишиб чиққан икки академик, юздан зиёд фан доктори ва 500га яқин фан номзодлари, ижодкорлар бир жойга тўпланишса, улкан бир анжуманни эслатади.

Ана шундай номдор ва донгдор туманда ҳалигача табиий газ ёнмагани, одамлари таппи-тезак ёқиб кун кечириши кўнгилни хиралаштирарди. Туманга газ келтириш хусусида эса собиқ раҳбарлар деярлик бош қотиришмасди. Маблағ ва имкон йўқлигини рўкач қилишаверишарди. Бундан уч йил бурун Мансур Қўшбоев туманга ҳоким бўлиб келди-ю бу масала кун тартибига қатъий қилиб қўйилди. Тадбиркор ва ишбилармонларнинг диққати шу муҳим вазифага қаратилди.

Кўпдан қўён қочиб қутилмас деганларидек, туман ҳокимлиги ва тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати билан салкам бир йил ичида Митандан Қўшработгача бўлган 30 километрлик масофада юқори босимли газ қувурлари ётқизилди. Бу ишда «Вилоятгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-, 9- ва 11-механизациялашган кўчма коллоналарнинг қурувчилари сидқидилдан меҳнат қилдилар. Маблағ ва қувурлар топишда «Ўзолмосолтин» уюшмаси раҳбарияти яқиндан ёрдам бериб турди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг олти йиллиги арафасида туман маркази Қўшработ қўрғонида илк бор табиий газ машъаласи порлади. Бу кун туманда чинакам шодиёнага айланиб кетди. Зеро, чоғроқ бир қишлоқга газ келиши айтарли катта воқеа эмасдир, чунки Президентимизнинг маълум ва машҳур Фармони туфайли республикамизда ҳар куни ўнлаб қишлоқларга табиий газ етиб боряпти. Аммо юз минг кишидан зиёд аҳоли яшайдиган катта ҳудудга газ етиб келиши эътиборга молик воқеа саналади. Чунки юз минг кишига қувонч бахш этган воқеа муборакдир.

Туман халқи орзиқиб кутган қулайликдан биринчи бўлиб кон ишчиси Эргаш Тангиров хонадони баҳраманд бўлди. Ҳадемай, тумандаги бошқа хонадонларда ҳам «зангори олов» ловуллайди. Бугунги барча саъй-ҳаракатлар ана шунга қаратилган.

Бобо САРОИЙ.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЧЎНТАГИМДАН ЧИҚАРМИДИ?..»

(«Ўзбекистон овози» 1997 йил 17 апрель)

Мазкур мақола вилоят прокуратураси, унинг жойлардаги бўлимлари томонидан текшириш, терговлар натижасида аниқланган ҳолатлар, қўзғатилган жиноий ишлар бўйича ёзилган бўлиб, мақолада номлари келтирилган шахслар, муассасаларнинг ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларида кўзда тутилган жазо чоралари кўрилган.

«Гурлан» ҳиссадорлик жамиятининг собиқ раиси С. Абдуллаев ва бош ҳисобчиси С. Ускиновларнинг пай ҳисобига тўпланган 15 млн. сўмни Урганч туманидаги «Шохобод» ишлаб чиқариш тижорат фирмасига ўтказиб беришгани, етказиб берилмаган маҳсулотларни фирмадан олдик деб ўз мансабларини суиистеъмол қилишгани боис уларга ва яна учта шахсга нисбтан вилоят прокуратураси бош терговчиси Р. Мадримов томонидан тергов олиб борилиб, айбдор эълон қилиниб, 1997 йил 14 август куни жиноят иши айблов ҳулосаси билан вилоят судига тақдим қилинди.

Вилоят ҳокимлигининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси раиси ўринбосари М. Рўзимбетов томонидан номига шартнома тузилиб «Сердалик» ишлаб чиқариш тижорат компаниясига 1996 йил июль ойида 2 млн. 400 сўм ўтказилиб берилган ва уни ундириш чора-тадбирлари кўрилмагани бўйича жиноят иши қўзғатилиб, Урганч шаҳар суди томонидан у 2 йил ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган ва иш ҳақининг 30 фоизини давлат фойдасига ўтказиш ҳақида ҳукм чиқарилган.

Боғот тумани «Пахтабанки» туман нефть маҳсулотлари базаси ҳисоб рақамига истеъмолчилардан тушган 6 млн. 307 минг 441 сўм маблағни вилоят нефть маҳсулотлари базасига тўлиқ ўтказиб бермагани учун ушбу банкка 2 млн. 643 минг 517 сўм жарима солингани бўйича шуни айтиш мумкинки, вилоят «Пахтабанки» маъмурияти томонидан 1997 йил 23 апрелда киритилган эътирознома бўйича ўрганиш олиб бориб, асосли сабабларга кўра, вилоят прокуратураси банк хизматчиларига нисбатан қўзғатилган жиноят ишини ҳаракатдан ётқизди ва жиноят иши прокуратура томонидан назорат тартибида ўрганилмоқда.

«Мевасабзавотбанк» вилоят бўлимининг собиқ бошлиғи Ш. Аҳмедов 1997 йил 7 июлда Урганч шаҳар халқ суди томонидан 3 йилга, ходимлари К. Нурилаев, А. Мадриев, К. Султоновлар 2 йилга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганининг 5 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги 1996 йил 7 август Фармонига асосан жазони ўташдан озод қилинган. «Тадбиркорбанк» Янгиариқ тумани бўлими собиқ бошқарувчиси Р. Бекчоновга нисбатан вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан жиноят иши қўзғатилган бўлиб, иш туман судида кўрилмоқда.

«Саноатқурилишбанк» вилоят бўлимининг бўлим бошлиғи А. Қулметова тайёрлаган ҳужжатлар асосида банк ҳисобчиси Г. Атамуротова идора раҳбарининг рухсатисиз Урганч шаҳридаги «Ориентир» қўшма корхонасига 1 млн. сўмлик ссуда бериб, хизмат бурчини суиистеъмол қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилиб, Урганч шаҳар суди томонидан 25 минг сўм жарима тўлашга ҳукм қилиниб ишдан бўшатилган.

Урганч туманидаги «Бройлер» ҳиссадорлик жамияти раиси Р. Каримов ва бош ҳисобчиси А. Юсупов 915 минг сўмлик дебитор қарзларини вақтида ундириш чорасини кўрмаганликлари учун уларга нисбатан Урганч тумани прокурори томонидан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан Р. Каримов 35 минг сўм жарима тўлашга, бош ҳисобчи А. Юсупов эса 2 йилу 6 ой ахлоқ тузатиш ишларига ва иш ҳақидан 20 фоизини давлат фойдасига ушлашга ҳукм қилинди.

Ушбу мақола вилоят ҳокимлигида муҳокама қилиниб, тижорат банклари фаолиятлари устидан назоратни кучайтириш чоралари кўрилмоқда.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ж. СУЛТОНОВ.

ЎЗ УЙИДАН

«Аввало, ассалому алайкум. Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 21 майда телевидение орқали кўрсатилган суҳбатда мамлакатимизда ҳуқуқий жамият қуриш ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила ўз ҳақ-ҳуқуқини руёбга чиқариши учун кенг шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақидаги гаплари ушбу хатни ёзишга ва адолатни талаб қилишимга туртки бўлди...»

(Қаршилик Ф.Бобоназарова мактубидан)

Дард тилга урса, инсон кўп гапиради, кўзга урса йиғлайди, дейдилар. Мунг тўла кўзларини бир нуқтага қадаб, оғир ўйга чўмган нозик жуссали бу жувон на оҳ-воҳ қилди, на йиғлаб-сиқтади. Кейин билсак, ҳаётнинг даҳшатли зарбаларини ўзига олган бу аёл уч нафар мурғак фарзанди тақдири, улар олдида оналик бурчини ўйлар, болалари кўнглини вайрон қилмаслик учун аламларини ичига ютар экан.

У, яъни Фотима Бобоназарованинг ўсмирлик йиллари кўпчилик тенгдошлари сингари кечди. Ўқишга меҳр қўйди, ўрта-махсус маълумотли ҳисобчи мутахассислигини эгаллади. Қарши шаҳридаги қурилиш ташкилотларидан бирига ҳисобчи бўлиб ишга кирди. 1985 йилнинг сентябрида қаршилик Мирзо Ҳайдаров билан турмуш қуришди. Аҳил яшашди, икки ўғил, бир қизлик бўлишди. Мирзо темир йўл устахонасида пайвандловчи бўлиб ишлар, оиласи, болаларига меҳрибон эди. Эр-хотин ўзаро келишиб, ўзларига уй қуришга қарор қилишди. Мирзонинг онаси-Роҳат опа Сайфиева болаларимга бераман, деб Қарши шаҳар Бўстон маҳалласи Бинокор кўчасидан ер участкаси олган экан. Эр-хотин орзу-ҳавас билан ишга киришишди. Қурилиш материаллари сотиб олишди. Мирзо ғишт қуйди. Хуллас, икки хонали уйни тиклаб, кўчиб келишди. Орзули дунё дейдилар. Фотима ва Мирзо болаларининг келажаги, ёшликдан гўзаликка, нафосатга ошно бўлиб ўсишини ўйлаб, уйни кенгайтиришди. Олди айвонли, янги хоналарни ҳам қуриб, дид билан жиҳозлашди, газ ўтказишди, кичиккина ҳаммом қуришди. Дастлаб кўчиб келганларидан кўримсизгина бўлган иморат кўркамлашди. Шунча меҳнат қилишса-да, ҳовли—жой Мирзонинг онаси номида қолаверди. Чунки ёшлар хаёлларига ҳеч қандай ёмон ўйни келтиришмасди.

Бу орада ширин турмушларига оғу аралашди. Мирзони қўшниларининг балоғатга етмаган қизи билан алоқада бўлганликда айблашди. Бу ўринда очилмай қолган сирлар кўп. Бунга Мирзонинг ўзи барҳам берди — жонига қасд қилиб, оламдан ўтиб кетди. Агар жиноят қилган бўлса, жони эвазига товон тўлади. Ҳаёт инсонга бир марта ато этилган буюк неъматдир. Ҳар бир ножўя қўйилган қадамнинг тўлови оғир. Бугун марҳум ҳақида ноҳуш фикрлар айтишдан тийилмоқ инсоний бурчимиздир. Аммо жон ришталарини узаётган Мирзо энг сўнгги дақиқаларда нималарни изтироб ила ўйлади экан? Инсонмиз, қалбимизда боқий дунё эшиклари очиқ. Шундай экан, у гулдек фарзандлари тақдирини бир зум хаёлдан ўтказгани аниқ. У ҳаётдан кетар экан, жондек азиз фарзандлари, оиласини тақдирнинг янада оғир зарбаларига дучор қилиб кетганлигини билмасди — билолмасди...

—Мен ва фарзандларим учун бу тенгсиз йўқотиш ва фожиа, эди, — дейди Фотима Бобоназарова изтироб ичра. — Букилган қаддимни кўтаришга, фарзандларимни, уларнинг келажагини ўйлашга мажбур эдим. Бунга ҳам имкон бериш-мади. 1995 йилнинг 26 ноябрида, ярим тунда қайнонам Роҳат Сайфиева икки қизи билан келиб,болаларим билан мени кўчага ҳайдашди. Эртаси куни онам ва акам уйимга олиб келишганда, қайнонам, «ўғлим ўлди, уй-жой менинг номимда, уни қизларимга бераман», деб туриб олди. Ҳозир онамга тегишли уйда акам, укам оиласи, болалари билан—жами ўн беш жон яшашга мажбурмиз. Фарзандларимнинг «Уйимизга борамиз», деб чирқиллаганы, бошқа узоқ мактабга қатнашга мажбур бўлгани, ичикиб касал бўлиб олишганига тоқат қилиб бўлмайди. Не-не азоб билан уй қурсак-да, болаларим билан кўчада сарсон бўлиб қолсак... Адолат борми дунёда?

Фотиманинг саволи кишини ўйга ботиради. Ҳа, нима ҳам дейсиз? Бир парча қоғоз ҳақиқатга қарши ишлатилаётгани, кўз ёшиларга сабаб бўлаётгани ҳам сир эмас. Боиси—мулк ёки мерос ўз вақтида ҳужжатлаштирилмаганию, айрим ҳуқуққа дахлдор маҳкамалар ходимларининг масъулиятсизлиги... Бу воқеа замирида ҳам айнан шу нарсалар ётибди. Маълумки, аксари ҳолларда ота-оналар ҳали турмуш қурмаган фарзандларига уй қуриб бериш учун ер майдонларини ўз номларига олишади. Кейин иморат қуриб, алоҳида оила сифатида чиқариб юборишади. Бу ўринда ҳам айнан шундай. Эри оламдан ўтгандан кейин Чақар маҳалласидаги ҳовли-жой Роҳат опа Сайфиевага қолади. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини ҳўп татиган, маҳалланинг қайвониси бўлган қайнона ўзининг ҳовли-жойи бўла туриб, ўғли оламдан ўтгач, келини ва набираларига тегишли бошқа уйга нега кўз тикканини бирдан тушунтириш қийин. Аммо бу воқеа эл-юртнинг кўз ўнгида юз берди.

Ота-она нима қилса болаларимга, унинг фарзандларига бўлсин дейди. Роҳат опа ўғли ва келини ғишт қуйиб, икки хонали уй қуриб чиқиб кетаётганда, ёрдам берса-бергандир. Бироқ уйни, кейинги хоналарни ўғли ва келини пешона тери билан қурганини биларди. Яна ер майдони, уй-жой (эътиборсизлик туфайли!) унинг номида эканлигини ҳам эсдан чиқармасди. Ана шу тарзда инсоф унутилди. Биринчи қадам уйнинг ҳақиқий эгалари—келини ва набираларини чирқиратиб кўчага ҳайдашдан бошланди. Иккинчи кадам—масалани ўз фойдасига ҳал қилишга шошилиш билан қўйилди. Роҳат опа уйни тирноқча ҳақ-ҳуқуқи бўлмаган қизи Адолат Ҳайдарова номига расмийлаштиришга киришди. Қарши шаҳар биринчи давлат муҳрдорлик идораси нотариуси М.Кенжаева 1996 йилнинг 26 декабрида «Турар жойнинг ҳадя шартномаси»ни тузиб, «совғани» расман тасдиқлади. Бунда 1979 йилда Қарши шаҳар давлат нотариал идораси тузган қурилиш шартномасига ва Қашқадарё вилоят хўжалик ҳисобидаги бирлашган техник ҳисобга олиш бюросининг 1996 йил 20 ноябрдаги маълумотномасига таянилган. Давлат нотариуси шартномада «уй фуқаро Сайфиева Роҳатга тегишлилиги текширилди», деб қайд қилган бўлса-да, масалага

ДУНЁ ДАРЧАСИ

Германиянинг Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирлиги Арманистон ва Озарбойжондаги муҳим иқтисодий объектлар учун 39 миллион марка миқдорида қарз ажратди. Ундан 25 миллион марка Арманистондаги «Канакер» гидроэлектрстанциясини қайта таъмирлашга, 14 миллион марка эса Боку аэропортида замонавий хавфсизлик тизимини яратиш учун сарфланади.

***

АҚШ ҳукумати Америка-Япония ҳарбий-сиёсий иттифоқини яна камида 30 йил сақлаб туриш ниятида, деб маълум қилди АҚШ мудофаа вазирининг халқаро хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Франклин Крамер, Вашингтонга ташриф буюрган Япония демократик партияси вакили Юкио Хатояма билан суҳбат чоғида. Унинг айтишича, икки мамлакат ўртасида бундай алоқаларни сақлаш нафақат Америка ҳамда Япония манфаатларига, балки Осиё-Тинч океани минтақасида тинчлик ва барқарорликнинг сақланиши учун ҳам хизмат қилади.

***

Вашингтонда Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари денгиз чегараси хизмати вакилларининг халқаро конференцияси очилди. Конференция иштирокчилари минтақа мамлакатлари денгиз чегараси хизматларининг ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилиши ва бу борада мавжуд муаммолар билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилади. Анжуманда АҚШ, Австралия, Канада, Хитой, Фиджи, Гонконг, Индонезия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлардан вакиллар иштирок этмоқда.

***

Австралия пойтахти — Венада Европа мамлакатларининг иқтисодий анжумани бошланди. Тўртинчи бор ўтказилаётган мазкур анжуман Европанинг алоҳида ҳудуд ва шаҳарларини ривожлантиришга замонавий технологияларни жорий этиш, экология муаммоларини ҳал қилишда ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш масалаларига бағишланган.

***

Японияда 100 ёшдан ўтган кексалар сони ортиб бормоқда, дейилади мамлакат Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлиги берган баёнотда. Мутахассисларнинг фикрича, яна икки йилдан кейин Японияда 100 ёшдан ҳатлаган қариялар сони 10 мингдан ошади. Айни пайтда улар сони 8 ярим мингга етган. Шуниси диққатга сазоворки, юз ёшлик кексаларнинг 80 фоиздан кўпроғи аёллардир.

«РОВЕР»ЛАР ҚОЛИБ КЕТДИ

Аломат гаплар

Ҳар даврнинг ўзига хос исмлари бўлади. Айтайлик, оммавийлашиб кетган номлар. Ҳайвонот олами ҳам худди шундай. Эсимда, машҳур «Оқ Бим, қора қулоқ» фильми намойиш этилгач, ҳамма кучугини «Бим» деб чақирадиган бўлувди.

1993 йилда Москвада бўлганимда ҳар қадамда итларини «Ровер» деб чақиришганини эшитувдим. Шундан сўнг қизиқсиниб қолдим: нега ҳаммаси Ровер? Нима бошқа от қуриб кетганми? Бир Ровернинг хўжасидан сўрадим. «Ахир ҳозир Ровер русум-ку?» дея афтимга қараб сал ажабланди Сокольники метросида бир чиройли йигит кучугини бағрига босиб. Тавба, дедим, итлардаям от — лақаб русум бўларкан-а?

— Агар келаси йили бошқа от русум бўлса-чи? — девдим хўжасининг жон-пони чиқиб кетди.

— Унда, — деди кескин оҳангда — ўша лақаб билан атайвераман! — шундай деб итини чўлп этиб ўпиб қўйди.

Яқинда бир журналда бундан ҳам қизиқроқ фактни ўқидим. Дунёда 1995 йилларда итларнинг кўпининг лақаби «Соуни» экан. Ровер «тушибди» русумдан. Иккинчи ўринда эса — Вольфганглар. Ридо бўлса учинчиси бўларкан.

Бу дунёда ҳамма нарса бир-бири билан баҳслашади. Ҳатто лақаблар ҳам . Йўқса, ким ўйлабди итларнинг лақаби ўзаро «жанг» қилиб, қайсисидир ғолиб, қайсисидир мағлуб бўлиб, пастки ўринга тушиб кетишини?

Яқингинада подъезддан чиқаётсам кимдир «Жулия» деб чақирди. Қарасам, ёшгина қўшни қиз кучукчасини эркалаб турибди. Нега энди Соуни эмас? Энди билсам бизникилар аллақачон Соуни, Дидояларни «ташлаб» «Жулия», «Арманд», «Бете» деб аташармиш итларини...

Жаҳон статистикасиям итларимиздан ортда қолибди, шекилли. Итларимиз энг замонавий от — лақабларни аллақачон «илиб» олишибди.

Саида ЙЎЛДОШЕВА.

СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

Австралияда ўтказилган сўров натижаларига кўра, умумий аҳолининг 53 фоизи мамлакатда конституциявий Монархия тузими ўрнига давлат бошқарувининг республика шаклини ўрнатиш тарафдори экани маълум бўлди. 90-йиллар бошида бу рақам 46 фоизни ташкил этар, 1996 йилги сайловда консерватив каолиция ғолиб чиққач, бу йўлдаги ҳаракатлар яна ҳам сусайган эди. Айрим кузатувчилар австралияликлар орасида республикачилик кайфиятининг бундай кутарилишини малика Диананинг ўлими ҳамда Англия ва бошқа мамлакатларда монархиянга қарши чиқишлар фаоллашгани билан боғламоқда. Маълумки, XX аср бошидан буён Австралияда давлатнинг рамзий раҳбари Буюк Британия қироличаси саналади.

35 КИШИ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафари арафасида Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арафот Исроил Ташқи ишлар вазири Давид Левига мактуб йўллаб, ҳар қандай кўринишдаги террорчиликка қарши жиддий зарба беражагини билдирди. Шунга биноан, яқинда Фаластин маъмурияти Қуддус шаҳрида амалга оширилган қўпорувчиликка алоқадорликда гумон қилиб 35 нафар «Ҳамас» ислом ҳаракати аъзоларини қамоққа олди.

Бир фожиа сабоқлари

ҲАЁТБАХШ ЎЛИМ

Малика Диана 36 ёшида фожиали ҳалок бўлди. Унинг ўлими бутун қироллик ҳудудида миллий фожиага айланди. Элвис Пресли вафотидан бери дунё бундай шоҳона мотам маросимини кўрмаган эди. Миллион-миллион кишилар ҳаётларидаги энг азиз кишиларини йўқотгандай, марҳумани иззату икром билан сўнгги йўлга кузатиб қўйдилар. Айтишларича, мотам кунлари Лондонда бир миллиондан ортиқ гулчамбар сотилган. Бировнинг ёрдамисиз кўчага чиқа олмайдиган беморлар, майиб-мажруҳлар, асримизнинг бедаво дардига йўлиққан бахти қоралар ва яна, болалар — узларининг энг севимли уйинчоқларини гулчамбарлар олдида қолдириб, гўзаллик ва раҳм-шафқат маликаси билан видолашганлар.

Маҳобатли дафн маросими тўғрисида ҳикоя қилар экан, мухбирлардан бири шундай дейди: «Диана оқбилакойим бўлиб туғилганди. У ҳаётлигидаёқ бетакрор тимсолга айланди. Жон Кеннеди отиб ўлдирилган кунлари дунё қай аҳволга тушган бўлса, Лондон кўчалари бугун айни шу ҳолатни эслатади. Бетакрор жозибаси билан ҳам киши диққатини ўзига торта оладиган бу аёлнинг ҳаёти фожиавий ҳазинлик билан уйғунлашган эди. У одамлар қалбининг ҳам қироличасига айланганди. Шафқатсиз ўлим эса абадиятга дахлдор этди...»

Бир вақтлар бутун Рим ўрнидан туриб соҳибжамол Анна Манъянини олқишлар билан сўнгги йўлга кузатганини эслаймиз. Бундай ҳолат яқинда Юрий Никулин билан видолашув чоғида ҳам содир бўлди. Диана билан хайрлашгани бир неча миллион киши кўчаларга чиқди.

Диананинг отаси граф Спенсерларнинг авлоди Жорж Вашингтонларнинг авлодига бориб тақалади. Диананинг болалиги мароқли ўтган. Унинг учун деярли ҳамма нарса муҳайё эди. Аммо 6 ёшга тўлганида онаси Фрэнсис оиласи, болаларини ташлаб, Питер Шэд Кид исмли бадавлат бир киши билан кетиб қолади. Унинг бу қилмиши ғоят ноқобил баҳоланиб, болалар оталари тарбиясида қоладилар: Тақдирнинг айланишини қарангки, вақти келиб Диананинг узи ҳам худди онасидай, оиласидан ажрашди, болалари турмуш ўртоғи Чарльз билан қолди.

Иккинчи эри вафот этганидан кейин Фрэнсис хоним ичкиликка берилади. Дианадан шикоятлар қила бошлайди. Она ва қиз ўртасидаги муносабатлар мураккаблашади.

Диана ва шаҳзода Чарльз 15 йил бирга яшашди. Уларни илк бор Ладлоу деган жойдаги отчопарда Камилла Паркер-Боул деган қиз — Диананинг яқин дугонаси таништирган эди. Камилла ушанда Чарльзнинг ўртоғига ошиқу беқарор булиб қолган, дугонаси Диананинг турмуш ўртоғи ҳам худди узиникидай, келажаги порлоқ кишилардан булишини истарди. Худди шундай булди ҳам. Камилла уша йигитга, Диана эса Чарльзга турмушга чиқишди. Малика ва Шаҳзода туйларидан кейинги бир неча ойларда Камилла Диананинг ёнида, унинг яқин сирдоши бўлиб юрди. Кейин эса... худди шу яқин дугона оиладаги дастлабки можароларга сабаб бўлди.

Малика ва Шаҳзода... Улар характер жиҳатидан бир-бирларига у қадар мос эмасдилар, дейишади қироллик хонадони ҳаётидан яхши хабардор кишилар. Диана машҳурликни севарди. Унинг жўшқин ва, айни пайтда, самимий туйғулари қироллик саройига сиғмас, бу ердаги қатъий тартиб-интизомларга бўйсунмасди. Чарльз бўлса босиқ, мулоҳазали бўлиб, оддийгина кийинар, буш вақтлари боғда қуйманиб юришни ёки балиқ овига боришни ёқтирарди. Бу эса вужуди эҳтиросларга тула, кун утган сайин тулишиб, гузаллик тимсолига айланиб бораётган маликага унчалик хуш келмас эди.

Одатда машҳур кишиларнинг орқасидан қоп-қоп мишмишлар бетухтов изгиб юради. Машҳурларнинг энг яқинлари ҳам кўпинча бу ғийбатларнинг қай бири ҳақиқатга яқину қай бири уйдирма эканлигини ажрата олмай қоладилар. Малика ва шаҳзода билан ҳам худди шундай булди. Оилага садоқат масаласида ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини аниқ айтиб бериш ниҳоят мушкул. Аммо бир нарса аниқки — бу ҳам улар ҳаётини яқиндан кузатган кишиларнинг фикри — улар, ҳолисона айтганда, худди сизу биз каби яратганнинг оддий, хом сут эмган бандалари эди. Бинобарин, уларнинг ҳам худди сизу бизда бўлгани каби кўнгил майиллари бор эди, хато ва янглишишлари ҳам узларига ухшаш бошқа одамларникидан утиб тушмасди...

Ун беш йиллик умр бир текис кечгани йўқ. Диана бир неча бор уз жонига қасд қилди, қон томирини кесди, деразадан узини пастга отди. Кутилмаганда унинг капитан Жеймс Хьюнтга алоҳида эътибори ошкор булиб қолди. Капитан Форс курфазида жанг олиб бораётган кезлари Диана унга ҳар куни биттадан — жами 100 та дил изҳори мактублар йуллаган экан. Кейин автомобиллар билан савдо қилувчи Жеймс Гилби пайдо булди. Улар орасидаги деярли ярим соатлик ишқиёна телефон суҳбати анча-мунча гап сузларни келтириб чиқарди. Шундан кейин қадимий санъат асарлари билан савдо қилувчи 51 ёшли, оилали Оливер Хоурга навбат келди. Оливер шаҳзода Чарльзнинг дусти эди. Бундан икки йил аввал Диананинг алоҳида эътибори туфайли регби юлдузи Уил Карлингнинг оиласи бузилди. Унинг ёш хотини рашк азобларига дош бера олмай Уиллни ташлаб кетди. Кейин покистонлик хушбичим жарроҳ Хаснат Хон мишмишлар майдонига чиқди. Диана-нинг Покистонга келиб Хаснатнинг ота-онаси билан танишди. Париж ерости йулида малика билан бирга ҳаётдан кўз юмган Доди ал Файёд Диананинг сунгги дустларидан бири эди. Кўпчилик бу дустликка катта умид билан қарашарди...

Машҳурларга ҳавас қилиш ҳамма жойда ҳам яхши одат. Аммо «машҳурлик» касаллигининг оғир изтиробларини ҳамма ҳам билавермаса керак. Малика Диананинг ҳар бир хатти-ҳаракати, юриш-туриши, кийган кийими, тановвул қилган таоми, юрган кучаси, меҳмонхона, учрашувлари, айтган-деганлари барака топгур мухбир касбдошларимиз томонидан бетухтов ошкор қилинарди. Фотомухбирлар унинг бирор бир кутилмаган, ғайритабиий ҳолатдаги суратига эга бўлиш учун эртаю кеч изма-из юришар, омадли бир сурат илинжида тунни тонгга улашарди. Париж фожиасидан бирмунча муддат аввал Марио Бренна исмли фотомухбир малика Диана ва унинг кўнглини овлай олган дусти мисрлик Доди ал-Файёдларнинг кўнгилли дам олиш чоғларини суратга тушириб, асосан олди-қочди сурат-мақолалар эълон қиладиган газеталарга 4,8 миллион долларга пуллаганди. Демократик Ғарб матбуотининг «эркин»лиги Париждаги фожиа чоғида яна бир бор намоён бўлди. Катта тезликда келаётган «Мерседес» машинаси Альма майдонидаги туннел устунига урилиб, Диана, Доди ва ҳайдовчи жон таслим қилаётганларида, уларни қутқариб келаётган фотомухбирлардан бири ярадорларга ёрдам бериш ўрнига бу мудҳиш фожиани суратга тушириш билан банд бўлган. Уша куниёқ унинг суратлари Америкада чиқаётган «Нэшнл инквайрер» журналига 1 миллион долларга тақдим этилган. Аммо журнал муҳаррири бу таклифни рад этган. Эчкига жон қайғуси, қассобга — ёғ!

Диананинг Кейптаундаги яшовчи укаси граф Чарльз Спенсер фожиа содир бўлганидан кейин баёнот бериб шундай деган; «Мен Диана барибир бир куни матбуотнинг қурбони бўлишига ишончим комил эди. Аммо унинг ўлимига фотомухбирлар шу қадар алоқадор бўлишлигини хаёлимга ҳам келтирган эмасман. Ўйлашимча, синглимнинг шахсий ҳаётига оид расмлар учун мўмай пул тўлаган ва бу билан нафс бандаларини яна бир сурат олиб қолиш учун хатарли ишларга рағбатлантирган газеталарнинг эгалари, муҳаррирларнинг ҳам бугун қўли қон...» Таниқли кино юлдузларидан бири унинг бу айбловини янада тўлдирган: «Диананинг ўлимида биз ҳам айбдормиз. Чунки уша ипирискі газета-журналларни сотиб олардик...»

Бу сатрларни хотиржам ўқиш қийин. Ғарбнинг эркин матбуоти машҳурларнинг бирортасига кун бермайди — қаерда бўлмасин, қай ҳолатда бўлмасин, шахсий ҳаётларига аралашади, оилавий ишларини матбуот саҳифаларида бемалол босиб чиқаради. Диананинг укасини олиб курайлик. У Кейптаундаги маҳобатли уйлардан бирида истиқомат қила бошлаганидан бери, мухбирлар унинг ҳар бир қадамини ўлчаб юришади. Кучага чиққудек бўлса, тамом, ўнлаб фотоашаратлар тинимсиз суратга олишаверади. Тоқати тоқ бўлган граф орқасидан илондек эргашиб юрадиган маҳаллий фотомухбир Шейн Жейсонни судга берди. Машҳур футболчи Марадона бундай «овчилар»дан қутилишнинг иложини топа олмай, охири уйидаги ов милтиғини ишга солди. Россиялик ҳамкасбларимиз ҳаммомда жоноплар билан маишат қилаётган мамлакат адлия вазири Ковалёв жаноблари оромини эл аро овоза қилишди. Қўшиқчи Майкл Жексон суратқашлардан безор бўлиб, кўпинча меҳмонхоналарнинг яширин эшикларидан фойдаланиб келади. Аммо фойдаси бўлмайди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Диананинг ўлимида ким айбдор — фотомухбирларми ё ширкайф машина ҳайдовчисими, эҳтимол, калаванинг учи бошқа жойдан чиқиб қолар — буларнинг ҳаммасини тергов аниқлайди. Гап бошқа ёқда, аниқроғи, бу фожиадан чиқариладиган хулосаларда.

Матбуот одамларнинг шахсий ҳаётига аралашиши керакми? Беруҳсат, бемаврид тишини кавласа ҳам, туфлисининг ипини боғласа ҳам, ногаҳонда йўталиб қўйса ҳам суратга тушираверини, қўшиб-чатиб ёзаверини мумкинми? Бу қайси ахлоқ нормаларига тўғри келади?

Россия президентининг собиқ қўриқчиси Коржаков жаноблари лавозимидан кеттач, «Ётиб қолгунча отиб қол» дегандай, Ельциннинг шахсий ҳаётига доир воқеа-ҳодисаларни бир-бирига улаб тухтовсиз эсдаликлар ёзмоқда. Улардан бирида мамлакат раҳбарининг Америка Қўшма Штатларидан самолётда қайтиши тафсилотлари, Борис Николаевичнинг касали хуруж қилиб қолгани, ич кийимда дийдираб турганги ва... иситма аралаш тагини ҳўллаб қўйгани ёзилади. Бунақа фактларни рус матбуотидан, қуни-қўшниларимиз матбуотидан ҳоҳлаганча топиш мумкин. Эндиликда яқин хориж булиб қолган қўшни мамлакатлардаги баъзи ҳамкасбларимиз мамлакат раҳбарларини калака қилишни, узунқулоқ тулпорга миндириб газетанинг биринчи саҳифасига босиб чиқаришни журналистикадаги бугунги қаҳрамонлик, матбуот эркинлиги деб тушунадилар чоғи.

Матбуот ҳеч қачон ва ҳеч қаерда шахсий манфаатлар йулида кимларнингдир қуролига, уч олиш минбарига айланмаслиги керак. Ҳар бир инсон уз турмуш тарзини белгилашга, узига мақбул амаллар билан машғул булишга, узлигини намоён этишга, нималарнидир рад этиб, нималардандир лаззатланишга ҳақли. Биз киммиз, дилимизда нима бор, гуноҳу савобларимиз қанча — буларнинг тўғри ажрини чиқарувчи — ягона Оллоҳдир. «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун» — биз Оллоҳнинг бандаларимиз ва унинг ҳузурига қайтгувчилармиз. Бинобарин, ҳеч кимга бу фоний дунёда инсон қалбига баҳо бериш ҳуқуқи берилмаган. Демакки, ҳеч кимнинг, жумладан, матбуотнинг ҳам одамларнинг шахсий ҳаётига аралашишга, ҳиссиётларини ёқоси қилишга, иззат-нафсига тегишига ҳаққи йўқ. Матбуот учун мавзу керак бўлса ҳамма жойда ва ҳамма вақт тулиб-тошиб ётибди. Унинг ҳақиқий обрусини олди-қочди миш-мишлар, нафс манфаатлари ҳеч қачон белгилаган эмас.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.

НАСОС УСКУНАЛАРИ ишлаб чиқарувчи ва таъмирловчи "ФАРҲОД – ОБИ ҲАЁТ АТА" корхонаси жамоаси

НАСОС



Корхона

ЭЦВ 5-6, 3-80 (CVHU—0315),
ЭЦВ 6-10-80 (CVHU—0410),
ЭЦВ 8-40-100 (CVBU—0710),
ЭЦВ 10-25-65 (CVRU—0904)

туридаги насосларни кафолат хизмати билан корхона нархларида

НАВБАТДАГИ СОТУВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Манзилимиз: 702050. Тошкент вилояти, Зангиота тумани. (маркази), Н. Хожибоев кўчаси, 1а (Тошкент ҳалқа йўли ёқасида).

Телефонлар: (3712) 116-09-04, 72-39-52, (297) 5-34-38.

ҚУВИЛГАНЛАР...

бир ёқлама ёндашган. Уйни ким қургани, кимлар яшагани билан мутлақо қизиқмаган. Хизмат юзасидан йўл қўйилган бу хатоларнинг оқибати шу бўлдики, уйнинг ҳақиқий эгалари—Фотима Бобоназарова ва унинг норасида фарзандлари қалбида тикланган ҳақиқат аталмиш бинога биринчи дарз тушди...

Бировнинг ҳақига кўз олайтириш қадимдан энг оғир гуноҳ саналган. Эсимизда, саксонинчи йилларнинг ўрталарида Шаҳрисабз туманининг Мироқи қўрғонида шунга ўхшаш ҳодиса юз берган эди. Ушанда ҳатто ота—онасини дафн қилиш ва фарзандлик бурчини ўташга ҳам ярамаган Р.Мустафин деган киши синглисига қолган уйга эга чиққан, ҳар хил ҳужжатларни тўплаб, кўпчиликни чалғитмоқчи бўлган эди. Аммо мироқиликлар марҳум онасининг кўнгли бўшлигидан айрим ҳужжатларни ёздириб олган, амалда битта чўп тикка қилмаган дайди ўғилга нисбатан нафратларини изҳор қилишди. Вилоятнинг тажрибали ҳуқуқшуносларидан бири, Шаҳрисабз туман судининг раиси Эркин ака Алмуродов (ҳозир муҳрдорлик маҳкамаси бошлиғи) қатъий текширув ўтказиб, Мустафиннинг даъвосини рад этган, уйни ҳақиқий эгасига олиб берган эди. Фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқи давлатимизнинг асосий пойдеворига айланаётган ҳозирги даврда бировнинг ҳақини биров еб кетолмайди. Ана шу эътиқод билан яшаётган ва фарзандларини овутаётган Фотима Бобоназарова ўзлари қурган ва ўн икки йил умр кечирган уйнинг қонуний эгаси эканлиги хусусида судга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Қарши шаҳар суди 1997 йилнинг 4 мартида чиқарган ҳал қилувчи қарорида давлат нотариал идораси тузган «Ҳадя шартномасини» ҳақиқий эмас, деб топди. Очиғи, бу адолатни тиклаш сари биринчи қадам эди. Аммо суд масалани охирига етказмади, яъни даъвогарнинг давоси тўлиқ қаноатлантирилмади. Бу юзасидан Қарши шаҳар прокуратураси протест киритди. Фуқаро Фотима Бобоназарова уйга нисбатан қонуний ҳуқуқини тўла тиклашни сўраб, вилоят судига мурожаат қилди. Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 1997 йилнинг 22 апрелида бу ишни кўриб, ажрим чиқарди. Ажримда даъвогар ва жавобгарнинг низога сабаб бўлаётган уйга қўшган ҳиссаси ва бошқа ҳолатлар атрофлича аниқланмасдан туриб, уй-жойга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ хулосага келиш асосли эмаслиги қайд этилган. Ва иш яна Қарши шаҳар судига қайтарилган.

— Адолатли ва мукаммал судловга эришиш, қонун устуворлигини таъминлаш муқаддас вазифамиздир, — дейди Қашқадарё вилоят судининг раиси Қурбон Нурматов. — Бу борада ижобий ўзгаришлар кўп. Аммо фуқаролик ишларини кўришда судьялар етишмаётганини айтмай илож йўқ. Олайлик, Чироқчи туманида 250 мингдан ошиқ аҳоли яшаяпти, аммо битта судья иш кўришга мажбур. Бошқа жойларда ҳам шароит шунга ўхшаш. Натижада иш кўриш муддатлари сурилмоқда, асосланмаган қарорлар ҳам чиқарилаяпти. Биргина ўтган йили вилоят суди раёсати ва ҳайъатида 23 та фуқаролик иши тўлиқ текширилмаганлиги ва асосли қарор чиқарилмаганлиги туфайли бекор қилинди. Энди фуқаро Фотима Бобоназаровонинг мурожаатига келсак, у албатта, адолатли ҳал қилинади.

— Адолатнинг қарор топишига мен ҳам ишонаман, — дейди даъвогарнинг адвокати Прим ака Розиқов. — Уй Фотима Бобоназарова ва унинг фарзандларига тегишли.

Биз фуқаролик жамияти қураяпмиз. Адолат-биз қураётган жамиятнинг тамал тошидир. Агар фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи маҳкамалар буни таъминлайди, десак бир ёқлама фикр юритган бўламиз. Бундай жамиятнинг яратувчиси, шакллантирувчиси ҳам фуқаролардир. Президентимизнинг яқинда «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони кенг кўламли вазифаларни белгилаб берди. Бу ўта муҳим, жамият ҳуқуқий такомилини белгилайдиган вазифаларни бажаришнинг кўпгина омиллари мавжуд. Аммо биз шу ўринда Қарши шаҳрида юз берган ниҳоятда муҳим воқеани тилга олмай ўтолмаймиз. Бу воқеа фуқаролар ўзўзини бошқарув органлари ўз ваколатларини қанчалик чуқур англаётганликлари, оила ва бола тарбияси тақдирига нақадар катта эътибор бераётганликларини яққол намоён қилди. Фотима Бобоназарова ва болаларига ноҳақлик қилишаётганда, одамлардаги адолат туйғуси, ҳақсизликка қарши нафрат туйғуси жунбушга келди. Одамлар ҳақиқат учун кураш бошладилар. 30 киши уйни Фотима ва унинг эри қурганлиги, оиласи билан яшаб келганлиги ҳақида гувоҳлик бериш учун судга келди. Бустон маҳалласи оқсоқоллар йиғини «уй марҳум Ҳайдаров Мирзо оиласи ва болаларига тегишли эканлиги, Сайфиева Роҳатнинг меҳнати сингмаганлиги ҳақида» қарор чиқарди.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

— Одамлар ҳақиқатни ёқлаяпти, — дейди маҳалла оқсоқоли Ғайрат Темиров. — Роҳат опа бу уйни қурмаган ҳам, бу жойда яшамаган ҳам. Ўзлари билан суҳбатлашганман. Гоҳ уйни кичик набирам Улуғбекка бераман, деб қолади...

Болалар — келажагимиз, жондан азиз Ватанимизнинг тақдири. Уларда миллат, халқ шаклланади. Ватан-остонадан бошланади, дейдилар. Чирқиратиб ҳайдалган гўдакларнинг талпинаётган муқаддас гўшаси ота-оналари қурган бошпана. Ана шу жойда улар дунёни танийдилар. Уй уларнинг эканлиги эртами-кечми исбот қилинади. Аммо оламга кўнгил дарчасидан чўчиб қараётган норасида гўдаклар бувиларига нисбатан муҳаббат ёки нафрат руҳида ўсишлари кейинги воқеалар ривожига боғлиқ. Роҳат опа ноўрин даъволаридан воз кечгани, марҳум ўғлининг зурёдларини қақшатмагани маъқул кўринади. Бир оғиз ҳақ сўз ... Ва гўдаклар дунёда меҳр борлигини туйишади. Чунки қўшиқда айтилганидек, «меҳр қолур, муҳаббат қолур». Нафрат олови ёнмасин ҳаргиз...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Кандела» ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси масъулияти чекланган жамият **ТУГАТИЛАДИ**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси шу газетанинг собиқ муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимга умр йўлдоши **МАРҲАМАТ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги Бобур номли 121-мактаб меҳнат жамоаси илмий бўлим мудири **Матлуба Аҳмедовна МУҲАМЕДОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 11 sentabr, payshanba № 108 (22.191).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Шеър ва шуур

ШИФОКОР ШОИР



Шоирлик касб танламайди. У кишидан кўпроқ ҳаётни синчковлик билан кузатишни, таъбир жоиз бўлса, руҳий тўлғоқни талаб этади.

Миржамол Мирёқубовнинг касби шифокор-стомотолог. Бу соҳада у 40 йилдан буён меҳнат қилиб келмоқда. Республикамизда стомотология соҳасининг бугунги даражага етиб келишига муносиб ҳисса қўшган устоз мураббийлардан. Бир қанча дарсликлар, қўлланмалар муаллифи.

Булар Миржамол Мирёқубовнинг бевосита иш фаолиятига киради. Аммо таъкидлаб ўтганимиздек, унда ўзига хос руҳий тўлғоқлик зоҳир, Миржамол ака дуторни қойиллатиб чертади, шеър ва ғазаллар ижод қилади. Унинг куйлари, шеърлари матбуотда, радио, телевидениеда тез-тез берилиб турилади. Бу ҳам унинг табиатга, ҳаётга бўлган чанқоқлиги натижасидир.

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган шеърлар унинг ижодидан бир намуна.

ВАТАНИМ

Чет эллардан келиб меҳмон бўлиб юрганлар,
Бир умрга шунда, қолай, дея турганлар,
Асал, узум, қовунингни тотиб кўрганлар,
Жаннат макон дерлар, сени Ватаним маним.

Буюк олимлар ёнидан ҳақли жой олган
Бир умрга улар номи тарихда қолган.
Ҳаётнинг ҳар бир илмига асослар солган
Кўпи сенинг фарзандингдир Ватаним маним.

Самарқандда қад кўтарган нодир бинолар
Темур, Бобур, Абу Али Ибн Синолар.
Киндик қоним шунда менинг — муқаддас жойлар,
Кўзга суртай тупроғингни Ватаним маним.

Унар ерингда ноз - неъмат, ҳар хил донларинг
Заминида олтин, турли - туман конларинг,
Ишлов бераётган бунга паҳлавонларинг
Сенинг толмас жигарбандинг Ватаним маним.

Сенда туғилдиму, аён бўлди бу дунё,
Шу сабабли гардинг кўзларимга тутиё —
Бўлиб оламни танитдинг онадек гўё
Жондан азиз тенги ҳеч йўқ Ўзбекистоним.

Ҳар соҳада фарзандларинг топишиб камол,
Донг таратиб юрар кўпни қолдиришиб лол.
Мавқеинг қўкларга етсин деб ўглинг Миржамол
Яша, гулла, дейди доим — Ватаним маним.

НАВОСИМИСАН

Аёлга хос латофатлик, дилбарликларни,
Жамолингда сен жо этганимисан.
Нозик табассум-ла боқиш бобида танҳо,
Қизлар аро ўзинг улар доносимисан.

Ҳар иборанг ҳамсуҳбатга ором берувчи,
Ёки хаста диллар меҳри гиёсимисан.
Чаманзорга савлат тўкиб турган гулларни.
Ичида сен энг анвои раъносимисан.

Ўз тақдирин сенга доим бахшида этган,
Бахтлик қай бир йигит умрин маъносимисан.
Нафис сўзинг булбул сасидек Миржамолни
Мафтун қилган дуторини навосимисан.

ШИФОКОР АЁЛ

Оналарнинг
алласидек
шифокор —
Иборангда
меҳригиё
малҳам бор.
Барча дори -
дармонларингдан
афзал,
Ширин сўзинг
ўзи дардга
қилур кор.
Шифоркорлар
саломатлик
йўлида.
Халқи учун,
юрти
учун фидокор.
Элимизда болни
даво дейдилар,
Даво топар бол
сўзингдан
ҳар бемор.
Сендек камтар
ширин
забон дилбарга
Атаб ёзди
Миржамолдек
шифокор.

Миржамол МИРЁҚУБОВ.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

ТОШКЕНТНИ ЖАҲОН КЎРМОҚДА

PRESIDENT'S CUP UZBEKISTAN — ATP Tour

Мустақил Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда. Тўртинчи марта «Президент кубоги» учун ўтказилаётган халқаро теннис мусобақасининг нуфузи тобора ортиб бораётгани ҳам шундан нишона. Бу сафар юртимиз пойтахтида том маънодаги профессионал теннисчилар мусобақаси ўтказилмоқда. Бундай баҳслар эса ҳозирги вақтда жаҳонни 34 мамлакатида уюштирилади. Халқаро мусобақанинг тантанали очилиш маросими ўзига хос анжуманга айланди. Мусобақага ҳар қачонгидан кўра жиддий ва пухта ҳозирлик кўрилди. «Юнусобод» теннис мажмуи таркибига кирувчи усти берк кошонанинг фойдаланишга топширилиши нур устига аъло нур бўлди.

Бу ерда 4 минг томошабин учун барча шароитлар яратилган. Халқаро андозаларга мослаштирилган. Байрамона безатилган ўйингоҳда 20 дан зиёд мамлакат байроқлари хилпираб турибди. Улар орасида ҳаммамиз учун қадрли ҳисобланган байроғимизнинг улуғвор хилпираши дилларга фахр-ифтихор туйғуларини сингдираётгандек.

Маҳобатли телеминоранинг ҳам бу сафар хизмати катта. Боиси, халқаро мусобақа воқеаларини Тинч океан ва Осиё ҳудудига кирувчи мамлакатларнинг қарийб 100 миллион теннис ошуфтаси томоша қилишга муваффақ бўлмоқда. Кўрсатувлар эса биринчи марта «ESPN» телевизион канали орқали тарқатилмоқда. Юртимиз пойтахтига энг кучли теннисчилар ташриф буюришган. Улар орасида россиялик Евгений Кафельников, швейцариялик олимпиада чемпиони Марк Россет ҳамда Буюк Британия, Испания, Марокко, Руминия, АҚШ, Австрия, Аргентина ҳамда Франция каби мамлакатлардан келган кучли теннисчилар ўзаро баҳслашмоқдалар.

Бош соврин учун курашувчи асосий теннисчилар сафини кенгайтириш маъносида саралаш учрашувлари ҳам уюштирилди. Унда мамлакатимизнинг ўн нафар йигити маҳорати ошиб бораётганини кўрсатишга ҳаракат қилди. Улар орасида А. Мальцев, Т. Хонкелдиев, Ғ. Раҳматуллаев, Д. Ҳурматов, А. Иванов, Д. Мазур, В. Куценко, Д. Томашевич, В. Бистрявичус, Т. Ғаниев ва бошқалар бор эди. Улардан Томашевич билан Ғаниевнинг қобилият бобида устувор эканликлари кўринди. Томашевич бош совринга даъвогарлар сафига қўшилди. Ғаниев эса иккита ғалабадан кейин финалда Томашевичга имкониятни бой берди. Мусобақанинг тантанали очилиш куни мухлислар соврин учун курашувчилар орасида теннисчиларимиздан А. Маҳкамов, О. Огородов ва Д. Томашевичлар борлигини кўрдилар.

Е. Кафельников, О. Огородов, А. Столяров, В. Сантопаде, С. Наубек, Х. Орази, Ф. Клавет, П. Андреев, Ж. Санчес, Р. Евал, А. Волков, Т. Хенманлар дастлабки саралаш баҳсида қўллари баланд келиб, курашни давом эттирмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда теннис байрами йилдан йилга миллионларни ром этиб бормоқда.



СУРАТДА: россиялик теннисчи Е. Кафельников ва юртдошимиз Д. Томашевич.
Р. ҒАЛИЕВ олган сурат.

Мусобақа қатнашчиларининг дунё теннис таснифидаги ўринлари

1. Евгений Кафельников (Россия)	3	14. Андриан Воинеа (Руминия)	107
2. Алекс Корреджа (Испания)	7	15. Олег Огородов (Ўзбекистон)	120
3. Тим Хенмен (Англия)	21	16. Александр Волков (Россия)	124
4. Марк Россет (Швейцария)	27	17. Роман Дилгадо (Парагвай)	125
5. Бохдан Юлехрач (Чехия)	36	18. Стев Кэмпбел (АҚШ)	130
6. Жавиер Санчез (Испания)	38	19. Розван Сабау (Руминия)	134
7. Хичан Арози (Марокко)	39	20. Андрей Черкасов (Россия)	144
8. Франциско Клавет (Испания)	50	21. Стефан Каубек (Австрия)	146
9. Винсент Спадиа (АҚШ)	84	22. Гуэлерма Канос (Аргентина)	149
10. Андрей Павел (Руминия)	88	23. Андрей Меринов (Россия)	155
11. Киннет Карлсен (Дания)	92	24. Иял Пан (Исроил)	169
12. Жан Крослак (Словакия)	96	25. Кристиано Каратти (Италия)	175
13. Жианлука Поззе (Италия)	105	26. Тьери Чемпион (Франция)	237

КЎНГИЛ СУВ ИЧГАНДАЙ БЎЛДИ

FRANCE 98

Жаҳон футбол чемпионатининг Осиё минтақаси гуруҳига кирган жамоалари ўртасидаги иккинчи босқич саралаш ўйинлари қизғин ва мурасасиз бўлиши табиий. Дастлабки учрашув «В» гуруҳида бўлиб ўтди. Корея Республикаси футболчилари Қозоғистон терма жамоасини қабул қилишди. Ўйинда шиддат кўрсатган майдон эгалари Парижга бериладиган йўлланмалардан бирига асосий даъвогар эканликларини намойиш этдилар. Қозоғистон жамоаси дарвозасига учта жавобсиз тўп киритилди. Корейс футболчилари дастлабки ғалабага эришдилар.

Иккинчи учрашув ҳам шу гуруҳда ўтказилди. Минглаб мухлислар умид боғлаб турган мамлакатимиз бош терма жамоаси Токиода Япония футболчилари билан майдонга тушдилар.

Японлар мураббийси Шу Камо шогирдларини ҳужумкорликка шайлаганлиги ҳар қандай шароитда ҳам тезкорлик зарурлиги, ҳужум билан ҳимояни уйғунлаштира билиш лозимлигини уқтиргани учрашувнинг биринчи қисмидаёқ аён бўлди. Албатта, йигитларимиз танаффусгача синовчан ҳаракат қилишди. Майдон эгалари эса бундан усталик билан фойдаландилар. Учрашувнинг 4-минутидаёқ ҳисоб очилди. 36-минутда мазкур учрашувнинг ўзига хос қаҳрамонига айланган Миура ҳисобни яна биттага оширди. 41-минутга борганда Наката дарвозамизни нишонга олди. Ҳакам хуштаги чалиниши олдидан таблода 4:0 рақами порлади.

Мамлакатимиз мухлислари телевидение орқали намойиш этилган учрашувнинг иккинчи қисмида қандайдир бурилиш бўлишига умид боғлаб турдилар. Бош жамоамиз мураббийлари майдонга қуйидаги тартибда ўйинчиларни туширдилар: Бугало, Давлетов, Федоров, Захаров, (Шоймардонов), Мамотов, Ҳасанов (Шарипов), Лебедев, Винников, (Бозоров), Маъруфалиев, Шквирин, Шацких.

Меҳмонлар анча қовушган ҳолда, имкониятлардан фойдаланишга интилиб ҳаракат қилдилар. 57-минутда Шацких ўнг қанот бўйлаб ҳужумда мақсадга эришди. Лекин, 67-минутга борганда бизда ҳимоя чизиғи суст экани кўринди. Майдон эгалари чаққонлик билан тўпни орқага буриб, яна бир бор Бугалони лол қолдиришди. 70-минутда японлар дарвозабони Бозоров ҳаракатини тўхтатишга уриниб, йиқитиб юборди. 11-метрли жарима белгиланди. Ҳисоб 5:2 га етди. Орадан 8 минут ўтгач Шацких боши билан чиройли зарб бериб, дарвозани аниқ нишонга олди. Орадан 4 минут ўтгач эса майдон эгалари яна бир «осонгина» тўп киритиши билан ҳисобни 6:3 га етказишди.

Кўриниб турибдики, ҳар бир киритган тўпимизга японлар жавоб қайтаришга улгурдилар. Буни олдини олиш мумкин эди. Лекин ҳимоя билан ярим ҳимоя ўртасидаги боғлиқликнинг бўшлиги майдон эгалари учун асқотди. Ҳар қалай йигитларимиз қараб турмай, астойдил ҳаракат қилишгани, хусусан, Шарипов, Бозоров, Шацких, Шквиринларнинг уринишларидан кўнгил сув ичди. Бизда куч ҳам, имконият ҳам борлиги кўринди. Эртага футболчиларимиз иккинчи учрашувни Сеулда Корея терма жамоасига қарши ўтказадилар. Ўйлаймизки, йигитларимиз бу сафар бўш келмай, ишончни оқлашга, эзгу мақсад йўлида астойдил ҳаракат қиладилар.

Ҳайдар НОСИРОВ тайёрлади.

The Great Silk Road
TASHKENT INTERNATIONAL TOURISM FAIR
THE GREAT SILK ROAD
25-27 SEPTEMBER 1997
CENTRAL EXHIBITION HALL

ЖАҲОННИНГ 30 МАМЛАКАТИДАН 140 САЙЁҲЛИК ФИРМАСИ ВА ТУРИСТЛИК АГЕНТЛИГИ ҚАТНАШАДИ.

UZBEKTOURISM NATIONAL COMPANY

1997й. 25-27 сентябрда
"Ипак йўли бўйлаб туризм"
Учинчи Тошкент Халқаро туризм ярмаркаси бўлади.
Ярмарка Бадиий Академия Марказий кўргазмалари залида ўтказилади.
Алоқа телефонлари: (3712) 68-67-75, 68-67-77, 30-14-00, 30-14-78.

UZDUNROBITA cellular — UZ-DAEWOO UZ-DAEWOO AUTO CO.

Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 35-моддасига асосан банкдан олган кредитларини ўз вақтида қайтара олмаган қуйидаги корхоналар ихтисослашган акционерлик тижорат банки "АЛОҚАБАНК" томонидан тўловга қобилиятсиз деб эълон қилинади.

Ташкилот номи	Рўйхатдан ўтган тумани	Рўйхатдан ўтган вақти	Рўйхатдан ўтган рақами
"Клименко ва ўғли" хусусий корхонаси	А.Икромов тумани	15.03.95 йил	227
"ТИТ" илмий ишлаб чиқариш корхонаси	Юнус-обод тумани	29.01.92 йил	50а\2
"Спектр" тажриба-ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси	Ҳамза тумани	17.07.92 йил	258-4
"Т.Ирина И К" масъулияти чекланган жамият	М. Улуғбек тумани	11.07.95 йил	264
"Фойдали-шерик" хусусий корхонаси	Ҳамза тумани	13.04.94 йил	296

Ҳурматли мамлакатимизнинг ишбилармонлари, хорижий сармоядорлар ва тадбиркор жаноблар!

B.K. INTRANS

Жамоангиз манфаати йўлида ва мамлакат тараққиётининг юксалишида фидойиликни истасангиз, махсулотларингизни дунёнинг исталган мамлакатига етказиб беришни ёки корхонангиз учун зарур бўлган саноат жихозларини олиб келишни хохласангиз биз билан ҳамкорлик қилинг. Муродингиз Сиз орзу қилгандек ижобат бўлгусидир.

"Б.Қ.Интранс" очиқ турдаги хиссадорлик жамияти ва жамият қошидаги "Б.Қ. Афғонсавдотранс" қўшма корхонаси

бу борадаги ишингизни намунали ва тез кўчишида Сизга ёрдам беради.

Мухими, ҳамкорлик қилганингиздан сира ютқазмайсиз. Махсулот ва керакли жихозларингиз ўз сифатини йўқотмайди. Чунки, биздаги барча юк транспортлари халқаро талабларга хос ва мос. Юкингиз 20-30 тонна юкни ташишга мўлжалланган "Мерседес-бенц" ва "СуперМАЗ"ларда олиб борилади.

ДИҚКАТ! ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР УЧУН ЯНА БИР ЯНГИЛИК:

Жамиятимиз қошида ташкил этилган ўзбек-турк "VCD—INTRANS" қўшма корхонаси турли маркали енгил автомобилларни ёки Асакада ишлаб чиқарилаётган "Нексия", "Дамас" ва "Тико"ларни ҳар томонлама қулай бўлган махсус юк траспортларида ташиш хизматини кўрсатади. Биздаги мавжуд ҳар бир махсус машина 8 та "Нексия" ёки 10 та "Тико"ни ташиш имкониятига эга. Енгил автомобилларни ташишга ихтисослашган транспортларимиз усти ёпиклиги боис исталган манзилга юкингизни бешикаст етказишни таъминлайди.

Шунингдек, жамиятимизда сайёхлар ва тадбиркорларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қила оладиган "Мерседес-бенц" автобуслари ҳам мавжуд. Бундан ташқари талаб даражасида жихозланган омборхоналарда юкингизни сақлаш, декларант ва сайёхлик хизматидан фойдаланиш имкониятига ҳам эгасиз.

Мурожаат учун манзил: Бектемир тумани, Жўрабек Остонов кўчаси, 25 уй.
"Б.Қ.Интранс" очиқ турдаги хиссадорлик жамияти.
Тел: 90-70-24, 90-36-03, 31-30-71, 30-54-11. Факс: 90-37-37.

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи А. ОМОНБОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0578

Босишга топшириш вақти – 21.00.
Топширилди – 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА